



Ўзбекистон adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan • 2003-yil, 16 may • № 20 (3702)

КУЧ ВА ИРОДА, ГЎЗАЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

“Умид ниҳоллари” деб ном олган, ўқувчи ёшларни чиниқтириб, иродасини тоблайдиган бу кескин спорт мусобақалари уни-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимизни Ватанини ҳимоя қилишга, уни улуглаш, қудратига қудрат қўшишга, халқаро майдонларда унинг обрў ва нуфузини янада юксалтиришга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президент Ислам КАРИМОВнинг мактаб ўқувчиларининг «УМИД НИҲОЛЛАРИ» спорт ўйинлари иштирокчиларига табридидан.



**Кўҳна ва навқирон
Хоразмда мамлакатимиз
мактаб ўқувчиларининг
“Умид ниҳоллари — 2003” спорт
ўйинлари финал босқичи
давом этаётир.**



Кунни кеча Бойсун туманида анъанавий “Бойсун баҳори” халқаро очиқ фольклор фестивали бошланди. “Бойсун баҳори” мамлакатимизда истиқлол йилларида бой тарихий-маънавий меросимиз, миллий анъаналар ва қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган улкан саяёҳат самарасидир. 2001 йили Бойсун ЮНЕСКО томонидан “Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси” сифатида эътироф этилгани бежиз эмас. У мана шундай эътирофга лойиқ топилган жаҳондаги ўн тўққиз манзилнинг бирига айланди.


БОЙСУНДА ЯНА БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

“Бойсунот” этно-фольклор бонда фестивалининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн байрам қўнанишчиларини кутлар экан, ўзбек халқининг ноёб ва ранг-баранг оғзаки ижодида дунё миқёсда қизиқиб тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Дарҳақиқат, фестивалда мамлакатимиздан ташқари Япония, Жанубий Корея, Франция, Тожикистон каби ўнга яқин давлатдан келган санъатшунос-фольклоршунослар, тарихчи-этнографлар иштирок этмоқда. Шундан сўнг “Бойсун”, Самарқанднинг “Қизилдоқ”, Хоразмнинг “Достон” каби фольклор-этнографик дасталари иштирокида катта байрам концерти берилди. Фестивал доирасида мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган фольклор-этнографик дасталар, бахши-оқинлар бир неча кун давомида халқимизнинг бой ва бетакор оғзаки ижоди намуналарини намойиш этиди. (ЎЗА)

XX аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири, аллома шоиримиз Ғафур Ғулومнинг юз йиллиги мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланмоқда. Шоир таваллуд толган 10 май кунни мамлакат пойтахтида бўлиб ўтган тантаналар эса ўз халқини беҳад севган улуг ижодкор даҳосига чинакам эҳтиромнинг тимсоли бўлди.

Эрта тондан пойтахтнинг Чилонзор туманидаги катта бог шоир муҳлислари, атоқли ижодкорлар, жамоатчилик намоёндалари билан гавжум бўлди. Бу сўлим гўшда шоирнинг улкан ҳайкали очирилишига бағишланган тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шобабурхонов очди. Президент Ислам Каримовга сўз берилди.

— Бугун Ўзбекистонимизнинг маданий ва маънавий ҳаётида катта воқеа, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бугун халқимиз ўзининг севимли шоири, буюк адибимиз, академик Ғафур Ғулумнинг 100 йиллик таваллуд тўйини нишонламоқда. Домла Ғафур Ғулум шаҳси, хотира-си ва мероси ҳақида гапирганда, биз бу улуг инсонни, аввало, кенг, том маънода халқ шоири, деб қиёс этамиз, унинг ўлмас номи ва сўнмас ижоди



ШОИР ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

олдида бosh эгамиз. Халқимизнинг асл табиати, теран маънавиятини, орзу-интилишларини ҳақиқий ўзбекона тил ва тафаккур билан ифода этган, адабиётимизнинг яқин тарихида камдан-кам топиладиган Ғафур Ғулумдай беназир ижодкор кўз ўнгимизда намён бўлади.

Ўз сиймосида халқни халқ, миллатни миллат қиладиган эзгу фазилат ва аломатларни муқаммас этган бу забардаст сўз санъаткори “Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман”, деганида мулқлоқ ҳақ эди.

Ғафур Ғулумни биз, авваламбор, Ўзбекистонимизнинг табаррук тупроғини жон-дилидан севган, ўз тақдирини она юрт тақдирини билан чамбарчас боғлаган, бошига дўпписини дол қўйиб, жаҳонга бағрини кенг очиб, ўзининг оддий ва соддалиги, айна пайтада буюклиги билан ажралиб турадиган инсон сифатида тасаввур этамиз, дея таъкидлади Юртбошимиз.

Ғафур Ғулум ижодининг яна бир ажойиб қирраси — муқаддас Ватанимизни улуглашда, бепеён ўлкаимизнинг шаҳар ва қишлоқлари, тоғу тоғи ва дала-дашларда яшайдиган одамлар қалбига она юртга муҳаббат ва гурур-ифтихор уйғотишда, айнакиса, яққол кўринади.

Ўз халқининг шаъни ва обрўсини дунёга тараннум этишни, керак бўлса, уни ҳимоя қилишни дил амри, виждон иши деб билган Ғафур Ғулумнинг шўро давридаги турли таъйиқларга қарамай, “Қадим ўзбек халқисин, асл одам авлоди, Миср эҳромларидан тарихинг қариорқир”, дея баралла айтган сўзлари ҳар биримизнинг гуруримизга гурур, фаҳримизга фаҳр қўшади, албатта. **Давоми 3-бетда.**

ҚУЮНЧАК ГАЗЕТХОН ЁЗАДИ

Меъморчилик — шаҳарсозлик, иморатсозлик тушунчаларидан ҳам кенгдир. У шунчаки қурилиш ҳам эмас, балки бутун бошли фандан таркиб топган бўлиб, неча минг йиллик тарихни қамраб олган башариёт маданиятини ўзида ифодалади. Шунингдек, меъморчилик — санъат, ахлоқ, нафосат ва мафкура ҳамдир. Демак, шаҳарсозликда бу фаннинг зоҳирий ва ботиний қонуният-

ШАҲАР КЎРКИНИ АСРАЙЛИК

ларига пугур етказилмаса, уйғунлик ва мутаносиблик унсурлари ўрнига қўйилса, мукаммал ҳар бир кент ўз фуқаросининг руҳан ва маънан камол топишига хизмат қилаверади. Қомусий алломаимиз Абунаср Форобий шаҳар тузилишини инсон узларининг ўзаро боғланишларига бежиз ўшатмаган.

Бугун пойтахтимиз Тошкент жаҳоннинг йирик шаҳарлари силсиласида ўз нуфузига эга. Сўнгги йилларда меъморчиликда Шарқу Ғарб анъаналарини ўзида муқаммаллашган мухташам биналар қад ростлаб, шаҳримиз кўркига кўрк қўшди. Айтиш мумкинки, уларнинг барчаси Тошкентнинг азалий ландшафтига муштарак бир йўсинда барпо этилди.

Бадаз калом деганларидек, кўнглимдаги бир гапни айтмасам бўлмас. Агар шаҳар бўйлаб кезсангиз, жамоат биналари бўладими, ёки кўп қаватли тураржойлар бўладими, ёинки бошқа бир иншоот бўладими, уларга гоҳ бақамти, гоҳ қапиштириб турфа-туман дўқонлару қаҳвахоналар қуриб ташланаётганини кўрасиз. Кўп ҳолларда ана шу иккинчи даражали иморатларнинг мавжуд биналарга уйғун ва мутаносиб бўлиши ҳисобга олинмапти. Уларнинг меъморий тархи ҳам кўзни қувонтирмайди.

Тўғри, жамоат уловларининг бекатларида дўқонлар очиб одат тусига кирди. Аксарият дўқонларнинг дизайнича ечими меъморий талабларга жавоб беради. Аммо баъзи бир бекатлардаги дўқонлар беҳуш бўлиши билан бирга ташландик ҳолда эгасиз ётибди.

Бундай кўнгилсиз манзараларни бартараф этасэк, пойтахтимиз кўркин асраган бўлаемиз.

М. ИМОМОВ

“АКАДЕМИЯ” ҲАЁТИ

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академияси том маънода мустақиллик меваидир. Илгари бизнинг ёшларимизнинг бундай жойларда ўқишларини фақат орзу қилиш мумкин эди.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги мухташам санъат саройида тақдимот маросими бўлиб ўтган тўрт қисмли “Академия” видеофилминини томоша қилар экансиз, беихтиёр шундай фикр кўнглингиздан кечади.

Жиноятчилар қўлида ҳалок бўлган милиция ходимининг фарзандлари воёга етиб, ватанпарвар оталарига муносиб фарзанд бўлиш мақсадида ота касбини эгаллашни ният қилишади. Бу эзгу ният уларни милиция зобитларини тайёрлайдиган ўқув маскани — ака-

демия томон бошлайди.

Филм сценарийсини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малик ёзган, уни таникли санъаткор Мурод Ражабов суратга олган. Филмининг юзага келишида маҳоратли оператор Акмал Умарбе-

ЯНГИ ФИЛМ

ковнинг хизматлари катта.

Рихси Иброҳимова, Тургун Азизов, Эркин Комилов сингари таникли актёрлар билан биргаликда энгилни кино оламига кириб келаётган ёш истеъодлар филмда ўзларига юклатилган образларни ҳаётий талкин этишга ҳаракат қилишган.

Н.ЭРГАШЕВА

**Абдулла ОРИПОВ. Шоир юраги. — Т.: “Маънавият”
нашриёти, 2003**

**Мана, мен ўзбекман, қўлимда тугим
Ва барча аълолим битилган китоб.
Шунинг ичидадир борим ва йўғим,
Шунинг ичидадир мен учун офтоб.**



Абдулла Орипов
ШОИР ЮРАГИ

**Шарифа САЛИМОВА. Тонгга қасам (бадиалар) — Т.:
Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти**



Шарифа Салимова
ТОНГГА ҚАСАМ

**Тошпўлат АХМАД. Гавҳари жоним (шеърлар, газаллар,
қатралар, достон) — Т.: А.Қодирий номидаги халқ ме-
роси нашриёти, 2002**



Тошпўлат Ахмад
ГАВҲАРИ ЖОНИМ

Ушбу сатрлар Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг яқинда “Маънавият” нашриёти томонидан чоп этилган янги “Шоир юраги” номли тўпламидаги “Ўзбекистон” сарлавҳали шеърдан. “Шоир юраги” китобидан Абдулла Ориповнинг асосан кейинги уч-тўрт йилда ёзилган янги шеърлари ўрин олган.

Атоқли шоиримизнинг буюк Истиқлолнинг ҳаётбахш неъматларидан руҳ олган турфа мавзулардаги тафаккур дурлари шеърятимиз муҳлисига манзур бўлиши шубҳасиз.

“Тонгга қасам” тўплами уч бўлимдан таркиб толган. Бўлимларда шоирнинг асрий армонларидан тортиб, бугунги мунаваар кунлар умидларигача босиб ўтган йўли қаламга олинган ва булар барчаси Аёл қисмати орқали кўрсатиб берилган.

Таникли шоир Тошпўлат Ахмад янги шеър дostonларидан иборат “Гавҳари жоним” номли мажмуасига ўзи севган мавзу — она шаҳри Бухоро тарихига тақрор-тақрор муқоша таъди, ҳаёт ва замон, табиат ва ҳақиқат, муҳаббатнинг боқийлиги, эл-юрт истиқлоли, иймону эътиқоднинг устуворлиги, олижаноб инсоний туйғулар тўғрисида ўз қарашларини шеърини мисраларда тўлиб-тошиб баён этади. Тўпладан жой олган “Заъфарон нидолар” достони қатъон қисматдан ҳикоя қилса, ҳофиз ва шоҳ ҳақидаги асар илоҳий санъат шуъласининг асло ўчмаслигини тараннум этади.

САЙИЛГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ

Одамларнинг бўш вақтларини кўнглили ва мароқли ўтказишни ташкил этишда “Чилонзор тумани марказида жойлашган маданият ва истироҳат боғи фаолияти алоҳида диққатга сазовор. Боғ директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир СУЛТОНОВ билан суҳбатимиз мазкур маданият даргоҳининг бу йилги режалари хусусида бўлди.

— Баҳодир Тўхтамурадович! Боғ худудида аллома шоиримиз, академик Ғафур Ғулум таваллудининг 100 йиллиги муноса-

бати билан ҳайкал ўрнатилибди...

— Аллома шоиримиз тўйига бизнинг боғимиз ҳам катта ҳозирлик кўрди. Боғ худудида шоирнинг салобатли ҳайкали қад кўтарди. Бундан буюн Ғафур Ғулум ҳайкали атрофи турли тадбирлар, таникли шоир ва адиблар билан мароқли учрашувлар, шеърят кечалари ўтказиладиган кутлуг жойга айланган.

— Маълумки, 2003 йил “Обод маҳалла йили” деб эълон қилинган. Шу муносабат билан қандай режалар белгиланган?

— Биз маҳаллаларга бағишлаб ўтказиладиган турли тадбирлар, маросимлар, учрашувларга асосий эътиборни қаратдик. “Кексалар ҳаёти — ёшларга ибрат”, “Менинг фаҳрим” — менинг фаҳрим”, “Маҳалла болалари” деб номланувчи тадбирлар, шу байрамларимиз шулар жумласидандир.

Шунингдек, “Эъзоз давраси”, “Санъатимиз фаҳри”, “Барҳаёт сиймолар”, “Кўшиққа бахшида умр” деб аталувчи бадий-муסיқий анжуманлар катта ва ўрта ёшдаги кишилар учун мўлжалланган бўлса, “Биз навқирон ёшлар — Ватан таянчи”, “Дунё бахтга тўлар сиз билан”, “Чеккиш — умр заволи” каби тадбирлар, шу байрамлари юртимиз келажаги бўлмиш навқирон ўғил-қизларимизга аталган. “Хуш келдинг Наврўзи олам” умумхалқ сайли жуда файзли ўтди. Кулги кунига бағишланган “Кулган етар муродга” номли

кулги базмига ҳам кўплаб шинавандалар йиғилишди. Боғимизда ўтказиладиган “Хотира — муқаддас, қадр — савобдир”, “Барҳаёт сиймолар” хайрия тадбири ва бадий-муסיқий анжумани Хотира ва қадрлар кунига бағишланади. Бундан ташқари, республикамизда нишонланадиган бошқа байрамлар ва муборак саналар муносабати билан турли тадбирлар, халқ сайиллари ўтказишни режалаштирганмиз. Мамлакатимизда маънавият ва маърифат масалаларига муҳим эътибор қаратилмоқда. “Маънавият гулшани”, “Эъзоз давраси”, “Ақдодлар мероси — олтин мерос”, “Мозий сабоси — қалблар садоси” каби тадбирлар ёшларни она Ватанга, қадриятларимизга юксак ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу йил “Маънавият гулшани” даврасининг “Санъатимиз фаҳри” тадбири Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокировлар сулоласига бағишланади. “Эл эъзозлаган санъаткор”, “Сурнай сеҳри”, “Кўшиққа бахшида умр”, маданият ва истироҳат боғлари ишини янада тақомиллаштиришга бағишланган тадбирлар, муסיқий анжуманлар, “Танишинг, кўшиқ ижодкорлари” туркумидан ўтадиган кечалар санъат ва шеърят иштиёқмандларида қизиқиб уйғотилади, деб ўйлаймиз.

— Хуллас, “Обод маҳалла йили”да бағишладиган юмушларимиз бисёр, — дейди Баҳодир Султонов. — Боғимиз 26 апрел кунини бу йилги мавсумини бошлади. Белгиланган режаларни юксак даражада адо этиш учун бутун имкониятни ишга солдим. Бу ишларни баҳарида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Чилонзор тумани ҳокимликлари, Тошкент шаҳар Маданият ишлари бosh бошқармаси, бошқа тегишли идоралар ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик қилаялмиш. Токи боғимизга келган ҳар бир киши завққа тўлиб, ором олиб қайтсин.

Сўхбатдош: Солиҳ ЁҚУБОВ



БИЛДИРИШ

20 май, сешанба кўни соат 12:00 да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини филология факультетида ёзувчи Ғулум Каримнинг “Сохибқирон ва аллома” тарихий қиссалар тўпламининг тақдимоти ва муҳокамаси бўлади. Барча қизиққанлар тақлиф этилади.

Автобусда кетатиб, тахминан 17-18 ёшлардаги икки талабанинг суҳбати кулогимга чалиниб қолди. Улардан бири: "Санъат музейида мум ҳайкаллари кўргазмаси бўлаётган экан. Гарри Поттер ҳам бормиш. Борсанми?" деса, иккинчиси: "Уша музей қаердалигини биласанми ўзи?" деб қолди. Маълум бўлишича, иккови ҳам музей қаерда жойлашганини билгимас экан. Аҳа, Санкт-Петербургда келган кўргазманя томоша қилгилари келибди-ю, шу ерда, Ташкентда яшаб, санъат музейи қаердалигини ва унда қандай экспонатлар борлиги билан қизиқишмабди-да.

Булар-ку, мактаб ўқувчилари. Хали талабалар, хатто зиёвлар орасида ҳам (оддий кишиларни қўйверинг) Санъат музейини кўрмаганлар қанча экан? Бу нима? Олдиндан оққан суевнинг қадри йўқми ёки ўзимиздаги ноёб осори атиқаларга, бебаҳо коллекцияларга белсандлиқми? Нима бўлганда ҳам, санъатга бундай муносабатни оқлаш қийин. Бунинг илдизлари қаерда? Ёшлар орасида музейларга, кутубхоналарга, умуман, санъат ва маданият даргоҳларига ўз ихтиёри билан борувчилар у қадар кўп эмаслигини қандай изохлаш мумкин?

Маданиятимиз жонқурларидан бири, Ўзбекистон давлат Санъат музейи директори Насиба ИБРОХИМОВА билан суҳбатимизни шу саволларга жавоб излашдан бошладик.

май ётган ноёб экспонатлар бор. Улар қачон намойиш этилади-ю, халқ уни қачон кўради? Шунда вақти-вақти билан турли кўргазмалар ташкил этиб, экспонатларни янгилаб туриш фикри туғилди. Қўзингиз тушган бўлса, биринчи қаватда миллий қолб асоблари кўргазмаси намойиш этиляпти. Бу созлар 85 йилдан буён энди кўргазмага қўйилди. Уларни машҳур уста Усмон Зуфаровнинг невараси, музейимизнинг бош муҳофизи Мирфайзи Усмонов шоғирди. Миллий рассомлик ва дизайн институтининг талабаси Бобур Мелиев билан биргалай таъмирлади.

Таъмирлаш — фаолиятимизнинг асосий йўналишидир. Таъмирловчи-усталар ўзимизда ишлашади. Кўнгилис воқеа бўлса ҳам аслаб ўтишга тўғри келади. Бундан бир йил муқаддам му-

маблаг ажратди. Биз бу имкониятдан унмил фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Қолаверса, ўзимиз ҳам таниқли ижодкорларнинг асарлари асосида музейимизда кўргазмалар уюштирамиз ва ижара ҳақи ўрнинга улар энг яхши асарларидан битта ё иккитасини бизга қолдиришади.

Яқинда "Шарқ гули" хиссадорлик жамоаси тайёрлаган "Макканнинг тунги кўриниши" асарини сотиб олдик. Бу миллий каштачилик санъатининг тараққиётини кўрсатувчи асар. Шаҳноза Мўминованинг чинидан ишланган бебаҳо асарларидан "Хумо қуши" ҳамда "Воҳа" композицияси ва яна бир қанча ишларни сотиб олдик.

Давлат Божона қўмитаси билан ҳамкорлигимиз ҳам яхши натижалар беряпти. Судлар ҳўми билан мусодара қилинган асарлар ҳам музейимиз хазинасига қўшилди. Улар орасида XIII — XIV асрларга мансуб ноёб рус бутларидан тортиб, замондошларимиз ижодига мансуб рангтаъсир асарлар ҳам бор...

Дарҳақиқат, музейнинг ўзидя уюштирилган кўргазмалар ҳисобига ҳазина 50га яқин асар билан бойиган.

Шу ўринда музейнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурига қўшаётган хўссасига алоҳида тўхталиш жоиз. Бу ҳақда музей раҳбари шундай деди:

— Баддий академия тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталари битирувчилари 7-8 ой музейда ишлаш, шу ерда диплом ёзиб, ўқини битиришади. Бу талабаларга музей ходимлари педагоглар билан баробар раҳбарлик қилишади. Диплом хўмоялари ҳам шу ерда ўтади. Масалан, республика рассомлик коллежининг 11 нафар талабаси — таъмирловчилар шу ерда диплом ишларини ёқлаб, ўз ишларини икки ой давомидя музейда намойиш этидилар. Ҳозир Миллий университетнинг роман-герман филологияси бакалавриятини тугатаётган қизимиз бор. Айни кўнларда у санъат тарихи бўйича ихтисослашми босқинчи ўтаёпти. Уқиб, ишлаётган ходимларимизга хар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Музейимизнинг бой кутубхонаси бор. Янги чўққан адабиётлар билан мунтазам тўлдириб борамиз. Кутубхонамизда барча даврий нашрлар сақланади, соҳамизга оид барча газета-журналлар бор. Талаба — ходимларимиз улاردан бемалол фойдаланишади.

Шу ўринда бир нарсасга ҳайрон бўлам. Олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида яхши мухассислар тайёрланади. Лекин қачон улар, қаерга кетишапти? Эҳтилом, шартнома билан ўқиганлар "пулни тўладим, бўвёи ўзимнинг ишим" деб ўйлашар. Хар ҳолда, битирувчиларнинг тақдирини билан қизиқиш, керак бўлса, ёрдам бериш лозим, деб ўйлайман.

— Насиба опа, музейда қанчадан-

қанча алломалар фаолият кўрсатишган. Ҳозир уларнинг қандай аънавалари давом этиляпти?

— Музейда директор бўлиб ишлаган Файзи Бойсовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. У кишининг даврида таъмирлаш устохонаси очилиб, музей илмий кенгаши иш бошлаган. Бу одамнинг ишлари давом этирилиб, япон гравюра-сига оид каталог чоп қилинди, ўзбек инглиз, рус тилларида "Ўзбекистон давлат санъат музейи хазинасидан" номли ҳўжатли филм яратилди. Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакўмпанияси билан ҳамкорликда 2003 йил тақвими чоп этилди. Ҳозир ҳаво йўллари самолётлари салонлари учун бўклет тайёрланяпти.

Музей захирасини бойитишга муносиб хисса қўшган биринчи директор аёл Шамсўрўй Ҳасанова ишлари давом этириляпти. Юртининг, касбининг фидойийи Самиг Абдуллаевнинг порлоқ руҳлари музейимизнинг деярли барча хоналаридя кезиб юради, десам мўблага бўлмайдй. У кишининг Светлана Манасяна, Мирфайзи Усмонов, Озодахон Олимжонна ва бошқа шоғирдлари бугун ўзлари устоз. Камола Нишанова, Асалхон Раҳматуллаева, Бобур Мелиев каби ходимларимиз устозлар ишончини оқлаш учун ҳаракат қилишапти. Шу ўринда музейшунос олимпиа Насифа Содикованинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Айтинг-чи, шунча машаққатли меҳнатлар вазизга тўпланган хазинани сақлаш, авлодларга етказиши



масаласи қандай ҳал қилиняпти?

— Албатта, биз ноёб осори атиқаларни иложи борича зарур шарт-шароитларда сақлашга ҳаракат қиламиз. Бироқ шуниси борки, бу бйно лойихаланяётган вақтда рангтаъсир асарларнинг сақланиши муқаддас бўлади. Бундай асарлар ер остида эмас, ер устида, куруқ жойда сақланиши керак. Аҳа эмас, музейимиз учун янги захиралар қўрилса...

НАФОСАТ ҲАЙРАТИ



нинг доврўғини эшитиб, қидириб топиб келишади. Афсуски, ўзимизнинг одамлар музейининг қаерда жойлашганини телефон орқали сўраб қолишади. Асида бу ерда қўришга арзийдиган нарсалар йстаганча топилади. Ахир, музейимизда 50 мингдан ортиқ осори атиқалар сақланади, экспозициялар эса янгилади. Шундай ноёб асарлар борки, жаҳоннинг кўпгина музейлари бундай топиламаларга ҳавас билан қарайди.

Хар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамларида ҳазинамиздаги анчадан буён намойиш қилинмаган асарларни кўргазмага қўямиз. Шундай кўргазмалардан бирида шакл жиҳатидан ноёб бир буюмин намойиш этидик. Хатто шу музейда неча йиллардан буён ишлаб келаётган баъзи ҳодимлар ҳам унинг нимаиҳиссини айтиб беришолмади.

Насиба опа бош муҳофиз Мирфайзи Усмоновдан ўша буюмин келтиришини илтимос қилдилар. Чармдан ишланган, бандли, атрофи ипак билан сўзана шаклида беэаб чиқилган, боғичли, суммага ўхшаш буюмин кўрб хайрон қолдим. Бир томони текис, ясси бўлгани ҳолда, иккинчи томони юмалоқ шаклда бўртиб чўққан ва атрофи белбоғ билан тортиб боғланади. Ниҳоятда дид билан, нарис тайёрланган бу буюм XIX аср бошлариға тааллуқли чинчиқол экан.

— Қўярсизми, — дейди Насиба опа, — ота-боболаримиз қанчалар маданиятга бўлишган. Улар узоқ юрталарга сафар қилганда оқлатганиш учун ўзлари билан чинни идишлар — коса ва пиёларлар олиб юришган. Шу мақсадда қаттақичик чарм халталар тикилиб, улар тўқалда олиб юришга мослаштирилган. Ганновер шаҳрида ўтган халқаро "ЭКС-ПО — 2000" кўргазмасида намойиш этилган бу экспонат кўплаб томошабинларни лол қолдирди.

Бундай ноёб ёдгорликларни, буюк асарларнинг асл нусхаларидан қанчасини бағрида яшириб ётибди музей. Хар бирининг номи ва ишланган даврининг ўзинёк кўп нарсалардан дарак беради. "Аёл портрети" (Питтер Лелли, 1664.), "Ойлавий портрет" (К.Маковский, 1882.), "Қўлида мева ушлаган қиз" (А.Тиранов, XIX аср), "Тошкентдаги Беглар-Беги мадрасаси олдидаги масжид" (Р.Зоммер, 1892.), "Амур ва Психея" (Ф.Жерар, 1770 — 1837), "Олма ушлаган Венера" (Тамози Соллари, 1874.), "Оналик ўйлар" (Р.Аҳмедов, 1956.), "Х.Носирова Ширин ролида" (Ч.Аҳмамов, 1973.), XVIII, XIX, XX асрларға тааллуқли папалар, сўзана нарлар, ёғоч ўймакорлиги ишлари, эрэмизнинг бошлариға тааллуқли Сурхондарёдан (Холчаён) топилган хайкаллар... Эҳ-еҳ, бу каби нодир буюмларнинг санаб, санаюйға етиш мушкул. Санъат музейи — тафаккур дурдоналари йигилган маскан.

Маълумки, Насиба Иброҳимова маданиятимизнинг турли жабҳаларида 40 йилдан ортиқ самарали фаолият кўрсатиб, мазкур музейда ишлаётган орти йилдан ошди. Биз у кишидан музейдаги фаолиятини қай тариқа бошлаганини сўрадик:

— Бир пайтлар худди шу музейнинг ўзидан 20 йил давомидя курсатувар олиб борганман. Орадан шунча фурсат ўтиб, ишға келсам, ўша пайтда нима қаерда турган бўлса, шундайлиғича турибди.

"Наҳотки шунча вақт ўтса ҳам, буюмларнинг жойи ўзгармади?" десади, "Ахир, бу — музей-ку", деган жавобини эшитдим. Ўзимча ўйладим: музей хазинасида хали қанчадан-қанча кўрсатил-

зейимиз залларидан рус мусавирларининг бешта асари ўйрилганганди. Маъмурий органларнинг тезкор ҳаракати тўғрисибу бу асарлар топилиб, музейға қайтарилди. Уларни таъмирлаш учун Маданият ишлари вазирлиги 12 ярим миллион сўм маблаг ажратди. Ҳозир шу йш амалга оширилмоқда.

— Музей хазинасидаги ноёб асарларни чет элларда ҳам намойиш этиш орқали миллий бойликларимизни тарғиб этиш хўсусида ҳам сўзлаб берсангиз.


— Президентимизнинг 1994 ҳамда 1998 йилларда чиққан музейларға доир Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ишимизда жонланиш рўй беришига сабаб бўлди. Экспонатларимиз кейинги 5-6 йил ичида кўп чет давлатларда намойиш этилди. Айниқса, Япония ва Германия давлатлари билан ўзвэй равишда кўргазмалар алмашмади. Япония хатто моддий жиҳатдан кўплаб-қувватлаш маносида музейимизға 38,8 минг япон иени ажратди.

Шу кўнчага АКШ, Германия, Япония, Франция каби давлатларда миллиматимиз бойлиги бўлган осори антиқалар намойиш этилди. Апрель ойида АКШдаги Ўзбекистон элчихонасида "Ўзбекистон музейлари бойлиги" туркумидан гилмадўзлик санъатига бағишланган кўргазма намойиш этилди. Кўргазма давомидя гилмадўзлик санъатининг ривожланиши ва тараққиётига бағишланган конференция ўтказилиб, маърузалар қўйилди.

У ерда бизнинг музейдан ташқари Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Нукус ва Самарқанд музейларининг гилламлари ҳам қўйилган бўлиб, кўргазма ми музейимизнинг илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Светлана Манасян бошчилигидаги санъатшунослар гуруҳи намойиш этиди. Бундан буён ҳам чет элларда кўргазмалар ташкил этиб бориш ўзлуксиз давом этади.

— Музейлар хазинаси янги экспонатлар хўсбига бойиб, хазинаси тўлиб бораверди. Сизларда бу иш қандай йўлга қўйилган?

— Илгари фондлар музей илмий ходимларнинг экспедицияларда топган асарлари, осори атиқалари хўсбига бойиб борарди. Ҳозир бунинг имкони йўқ. Лекин Маданият ишлари вазирлиғини ноёб буюмларни йиғишимиз учун



қўилди. У ерда бизнинг музейдан ташқари Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Нукус ва Самарқанд музейларининг гилламлари ҳам қўйилган бўлиб, кўргазма ми музейимизнинг илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Светлана Манасян бошчилигидаги санъатшунослар гуруҳи намойиш этиди. Бундан буён ҳам чет элларда кўргазмалар ташкил этиб бориш ўзлуксиз давом этади.

— Музейлар хазинаси янги экспонатлар хўсбига бойиб, хазинаси тўлиб бораверди. Сизларда бу иш қандай йўлга қўйилган?

— Илгари фондлар музей илмий ходимларнинг экспедицияларда топган асарлари, осори атиқалари хўсбига бойиб борарди. Ҳозир бунинг имкони йўқ. Лекин Маданият ишлари вазирлиғини ноёб буюмларни йиғишимиз учун

қўилди. У ерда бизнинг музейдан ташқари Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Нукус ва Самарқанд музейларининг гилламлари ҳам қўйилган бўлиб, кўргазма ми музейимизнинг илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Светлана Манасян бошчилигидаги санъатшунослар гуруҳи намойиш этиди. Бундан буён ҳам чет элларда кўргазмалар ташкил этиб бориш ўзлуксиз давом этади.

қўилди. У ерда бизнинг музейдан ташқари Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Нукус ва Самарқанд музейларининг гилламлари ҳам қўйилган бўлиб, кўргазма ми музейимизнинг илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Светлана Манасян бошчилигидаги санъатшунослар гуруҳи намойиш этиди. Бундан буён ҳам чет элларда кўргазмалар ташкил этиб бориш ўзлуксиз давом этади.

қўилди. У ерда бизнинг музейдан ташқари Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Нукус ва Самарқанд музейларининг гилламлари ҳам қўйилган бўлиб, кўргазма ми музейимизнинг илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Светлана Манасян бошчилигидаги санъатшунослар гуруҳи намойиш этиди. Бундан буён ҳам чет элларда кўргазмалар ташкил этиб бориш ўзлуксиз давом этади.

қўилди. У ерда бизнинг музейдан ташқари Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Нукус ва Самарқанд музейларининг гилламлари ҳам қўйилган бўлиб, кўргазма ми музейимизнинг илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Светлана Манасян бошчилигидаги санъатшунослар гуруҳи намойиш этиди. Бундан буён ҳам чет элларда кўргазмалар ташкил этиб бориш ўзлуксиз давом этади.



қўилди. У ерда бизнинг музейдан ташқари Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Нукус ва Самарқанд музейларининг гилламлари ҳам қўйилган бўлиб, кўргазма ми музейимизнинг илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Светлана Манасян бошчилигидаги санъатшунослар гуруҳи намойиш этиди. Бундан буён ҳам чет элларда кўргазмалар ташкил этиб бориш ўзлуксиз давом этади.

қўилди. У ерда бизнинг музейдан ташқари Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Нукус ва Самарқанд музейларининг гилламлари ҳам қўйилган бўлиб, кўргазма ми музейимизнинг илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Светлана Манасян бошчилигидаги санъатшунослар гуруҳи намойиш этиди. Бундан буён ҳам чет элларда кўргазмалар ташкил этиб бориш ўзлуксиз давом этади.

қўилди. У ерда бизнинг музейдан ташқари Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Нукус ва Самарқанд музейларининг гилламлари ҳам қўйилган бўлиб, кўргазма ми музейимизнинг илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Светлана Манасян бошчилигидаги санъатшунослар гуруҳи намойиш этиди. Бундан буён ҳам чет элларда кўргазмалар ташкил этиб бориш ўзлуксиз давом этади.

ЯХШИЛАР ЧИРОғИ ўЧМАЙДИ

...Самарқанд радиоси ва телевидениеси ўз эшиттиришлари ва курсатуварини бир охандраб қўй билан бошлайди. Бу дилбар мусикнинг муаллифи Шарифжон Акрамов бўлиб, унинг "Жон, Самарқанд" қўшиғи бошланишида янғаридиган тарона эканлигини кўпчилик билмаслиғи мумкин. Шарифжон Акрамов илм-фан, маданият, адабиётнинг ўчоғи бўлган Самарқанднинг катта маънавият-маърифат муҳитида камолга етди. Ўзбекистон ва Тожикистонда мақом ижрочилиғи маҳоратини муқаммал эғлаган санъаткор сифатида танилди. Унинг санъатда ўз ўрнини топишида атоқли ўзбек ва тожик композиторлари, режиссёр ва драматургларнинг хизматлари катта бўлди. Нарзиқул Хасанов, Дони Зоқиров, Толибжон Содиков, Исҳор Оқиллов, Рафзал Толмасов, Самад Гани, Асрор Жўраев, Воҳид Абдуллаев каби устоз санъаткорлардан сабоқ олди, ижодий ҳамкорлик қилди.

Муסיқа, вокал, айниқса, мумтоз мақом ижрочилиғида ёшлар орасида Шарифжон Акрамов устоз Ҳожи Абдулло Абдурашодовнинг ҳақиқий шоғирди сифатида эътироф этилганлиғи санъат шинавандаларига яхши маълум. Етук созанда бўлиб етишган Ш.Акрамов актёрлик истеъдодини ҳам синаб кўрди. "Тоҳир ва Зўҳра" спектаклида (1940) Тоҳир ролини маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар муҳаббатини қозонди. "Фарҳод ва Ширин" асарида Фарҳод, "Гулсара"да (1941) Қодир, "Нурхон"да (1948) Хайдар сиймонларини, "Дилором" ва "Фидойи" операларида Улғўжхў ва Едгорбек образларини сахнага олиб чиқди. Шарифжон Акрамов бастакор сифатида қатор халқчил, ҳаётий спектаклар яратилишиға муносиб хисса қўшди. Айниқса, бастакорнинг самарқандлик драматурги Исmoil Акрам билан ижодий ҳамкорлиғи ўз самарасини берди. "Тадбир", "Адолат" каби сахна асарлари яратилиб, ҳам бастакорға, ҳам драматургға шўҳрат келтирди. Драматург Тўйғунинг "Муҳаббат" комедиясига басталанган тароналари ҳам Ш.Акрамов ижодига ажралиб туради. Самарқанд ва Жиззахда шахар ва вилоят театрларининг қанчалар раҳбари

сифатида эл-юрт хўрматини қозонди. Мен Самарқандда таълим олиб, вилоят газетаси — "Зарфшон"да хизмат қилган пайтларимда бу маърифат ва маънавият масканида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижодий жараянлардан яхши хабардор эдим. Исmoil Акрам, Солижон Исmoilзода, Самад Гани, Душан Файзийлар қаламиға мансуб асарларнинг сахнада ўз ўрнини топишида Шарифжон Акрамовнинг хизматлари бекиёсди. Нозиктаёб, табиатин хўш-февъл, кенг истейлод соҳибки, ҳамтар, дилқас инсон билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлганимдан фахрланаман.

Ундан ортиқ муסיқили драма асарларига муסיқа ёзган, тарихий ва замонавий мавзуларда 80 га яқин куй ва қўшиқлар яратган ижодкор томошабинлар қалбини забт этди. Ўзбекистон ва Тожикистон радиолари олтин хазинаси ҳақи олган мумтоз қўшиқлар, мақом шўббалари, замонавий қўшиқлар Шарифжон Акрамовнинг бой меросидан далолат бериб туради.

Миллий театр ва муסיқа санъатиға баракали хисса қўшган Ш.Акрамов тирик бўлганда, муборак тўқсон ёшға кирган бўлар эди. Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими", "Халқ маорифи аълочи" унвонлари билан муқофотланган. Самарқанд шаҳридаги 10-муסיқа мактаби санъаткор номи билан аталган.

Қўшиқ, куй, шерь кирган хонадонда меҳр ва қадр яшайди, чироқ ҳеч қачон ўчмайди. Халқ севган санъаткорнинг номи дилларда барҳаёт.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ шoirи

БИР ТИШЛАМ ОЛМА ҲАҚИ

Еш йилгит ҳўрликдан ўтўвни аривда оқиб келаётган қўрғонни олман тутиб олиб, бир тишлам олдй. Кейин бу олма биронинчи эканлигини, эгасини риз қилиб ейиш лозимлигини эслаб қолди ва олма оқиб келган ҳўрғонни ислаб топди. Олма эгасидан ўзи еган бир тишлам олман "ҳўрлик этиб беришим" сўради.

Инсоним қомилдик, бу воқеани ўқитиш ақсар ёшлар: "Ҳа, эшди, рўксатиб бир тишлам, хатто бутун олманг эса епти-да. Шунга шўрғоми?" дейишлари турган гап. Сабоби, улар алданган ота-оналари ўзлари ишлаётган жойдан ниманидир "ушириб" келишларини ўрганиб қолган. Ҳ бўлмаса, ўзлари болаликдан қўшиқнинг олмасидан сўроқсиз олиб ейишни ор деб

Бир тишлам олма ҳақи билдирмаган. Очигини айтганда, ота-боболаримиздан қолган урф-одатларни, қадриятларини ёшларимиз яхши билмишайми.

Вансёрбин, имон-эъқида, виждан, ҳилоғлик, поклик каби фазилатларнинг асл илдизлари, инсонни инсон қўлуқини аса муҳаббатларини ҳақида ҳўрроқ ўйлаб қўришга ундагани сўз асарларига эҳтиёж бугун ҳўр қўрғондан юзга. Қомиллик сарни атувни йўнаниш асосий йўналишларидан бири ҳам маънавияттир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳўрўрлаш Давлат ва жамият қўриқлиши академиксини таъабубсин билиб тайёрлаш, томошабинлар ҳўрғонга ҳўрлик этишган "Қўрғонни олма" (Эркин Хўшвақтов асари) спектакли ижодкорларини тарбиялаш лозим. Асар премьерани қўришга гушўрор олқўшлар ҳам спектакл ютуқидан далолат.

Режиссёр Мунаввара Абдуллоева Дилбар Икромова, Саида Рахметова, Собиржон Отоқонов, Мадина Мухомедова, Азиз Қўдров каби ақсарлардан иборат яхши бир ансамбл тузишга муваффақ бўлган. Асар ютуқидя, шўбҳадаси, сарҳалаштирувчи рассом Шўҳрат Абдулқалимов, рақсдашлари саҳнаға қўйган Сейвлин Ташурева, пародист Умида Маҳаммадовларнинг хизмати бор. Фой муаллифи ва маҳсулоти — Ҳўжа Аббос Ўғли.

Г.УМАРОВА

ДИЛГА ЯҚИН ҚИЁФАЛАР

Ашур Мухаммад Мамасолиев асли маҳобатли рангтаъсир йўналишида иш бошлаган бўлса-да, ҳозирги кўнда уста кулол сифатида кўплаб бастакор ижод намуналари яратётган санъаткордир. Айниқса, турли шарқона ўйинчоқлар, сюжетли композициялар яратиш борасидаги изланишлари эътиборга молик. Унинг кулолчиликка жиҳдий иқлос қўйишиға туш сабаб бўлган. Тушида Бухоро кулолчилик мактабининг етук вакиллари билан бири, ўйинчоқлар устаси Ҳамро биби расомға иқиб бир табассум ҳўда этади. Шунда расом унинг ёниға бориб, ишиға разм

дида ҳам туш тасвири намойён бўлиб, бирин-кетин ажабтовор ўйинчоқлар, мавзули композициялар уйғулға кела бошлайди.

Кейинчилик расом Ҳамро биби қабрини зиёрат қилади, бутун кулолчулар устози Саид Амир Мирқулло мақбарасида ҳам бўлиб, пири устоздан руҳий мадад олади. Шу тариқа унинг кўнли равшанлашди, кулолчиликнинг сехрли оламиға бутун вужуди билан шўнчиб кетади.

Ашур Мухаммад хар бир жой лойини таркиби, хўсусиятларини, ўзига хос томонларини ҳис қилади, фарқлай билди. Масалан, Риштон лойи қизғиш бўлишини, Бухоронинг лойи оқ рангда пишшини тушунгани учун ҳам ишларини шу хўсусиятларидан келиб чиқиб ясади.

Нақибандий қадимжоларини, Ғиждувоний қабрини зиёрат қилиш Ашур Мухаммадни тарикат оламиш чўқурқоқ тушунишға, билишиға ундади. У азалий қадриятларимиз, аждодларимизнинг турмуш тарзлари, урф-одатларини, кийим-кечакларини тақинчоқларини ўрганишға, улардаги маноларни илғашға ҳаракат қилди. Қадимий халқ амалий санъати на-

ҲУНАРДАН УНАР

